

“АРАБ БАҲОРИ”НИНГ КУТИЛГАН МЕВАЛАРИ КУТИЛГАН НАТИЖАЛАРНИ БЕРДИМИ?



10.24412/2181-1784-2021-1-494-499

Арипов Шавкат

Тошкент давлат шарқшунослик университети “Араб филологияси”
кафедраси катта ўқитувчиси

Abstract: The article analyzes the "Arab Spring", which has caused great excitement to the world community, the failure of the peoples of the countries where the revolutions took place, and the expected results which never realized.

Keywords: "Arab Spring", revolution, "Domino", Islam, democracy

“Араб баҳори”га ўн бир йилдан ошган бўлсада ҳали ҳамон унинг аксасидоси кўпчиликни хушёрликка чорлайди. Ўша 2010 йилнинг 17 декабрь санасида кўчада савдо қилувчи тожир Мухаммад Буазизи Туниснинг Сиди – Бузид шаҳрида ўз маҳсулотларини маҳаллий хокимият томонидан тортиб олинишига қарши норозилик сифатида ўзини ёқиб юборади. Бу нафақат Тунисда, балки бутун араб дунёсида хеч ким кутмаган оламшумул инқилоблар учқунини авж олдиради, ҳалқ инқилобларини келтириб чиқаради. Бу қор уюми бир юмалаб кўплаб мамлакатларни қамраб олди. Бонг урган ҳалқ орзуумидлари тартибсиз инқилобдан умидлари катта эди, аммо кейинги ривожланишлар уларнинг орзуларини пучга чиқарди.

Агар “араб баҳори” арафасидаги араб мамлакатларининг ижтимоий-иктисодий кўрсаткичларига эътибор билан қаралса, қуйидаги манзарани кўриш мумкин бўлади:

Араб мамлакатлари аҳолисининг ярмидан қўпини 25 ёшгача бўлган ёшларлар ташкил этган; ёшлар ва аёллар ўртасида дунё миқёсидаги энг юқори даражадаги(37%) ишсизлик мавжуд эди; Миср, Тунис ва Иорданиядаги 30% олий маълумотлилар ишсиз бўлган; ёшларнинг хар бештасидан бири бошланғич мактабни тутатмаган ва 50 миллионга яқин катта ёшдагилар (аҳолининг 1/8) саводсиз бўлган, уларнинг 2/3 қисми аёлларни ташкил этган [1:57].

Шунга қарамай, мазкур тарихий воқеа бутун минтақанинг қиёфасини ўзгартириб юборди: Яқин Шарқдаги режимлар жуда қисқа муддатларда қулади. “Исломий давлат” вужудга келган бўшлиқдан унумли фойдаланиб, Сурья ва

Ироқнинг кенг худудларида “халифалик давлати”ни қуради, маълум вақт ўтганидан кейин дунё мамлакатларини даҳшатга солган бу давлат хам барҳам топади. 2011 йилдан буён минтақани ларза солган ва “араб баҳори” деб номланган бу сиёсий ва жуғрофий зилзила турли хил натижаларни олиб келди. Тунис, Ливия, Миср, Яман ва Суриядаги оммавий намойишлар умидсизликка учраган ислоҳатлар ёки диктаторлик режимларининг репрессив жавоблари билан, балки қонли тўқнашувлар билан ҳамоҳанг бўлди.

Бироқ инқилоб руҳи хали ўлмаган, буни саккиз йилдан сўнг Судан, Жазоир, Ироқ ва Ливиядаги халқ қўзғалонларининг иккинчи тўлқини кўрсатди.

Буазизи 2011 йилнинг 4-январь куни олган жароҳатлари натижасида вафот этади. Бу фожиа эса ижтимоий тармоқларда кескин танқидларга, кейинроқ эса мамлакатдаги коррупцияга ва 23 йил хокимиётда қолган Президентга қарши оммавий норозилик намойишларига айланиб кетди ва натижада, ўн кун ўтгандан сўнг Тунис президенти Зейн ал-Обидин Бин Али ҳокимиётдан ағдарилиб, Саудия Арабистонига кетишга мажбур бўлади. «Домино» тамойили бўйича Тунисдаги ҳаракат бошқа Яқин Шарқдаги араб мамлакатларига ҳам тарқалди. Оммавий норозилик намойиши халқнинг авторитар, мамлакатни ўзининг “шахсий мулки” сифатида қилиб олган ҳукумат бошлиқларига қарши қаратилди. Худди шу ойда Миср, Ливия ва Яманда фуқароларнинг озодлик ва демократия учун намойишлари бошланади [2:77]. Фазаб ва норозилик минтақанинг энг йирик шаҳри Қоҳира қўчаларида жуда тезликда ёйилди. Юз минглаб намойишчилар Миср қўчаларига чиқиб, демократияга бўлган ҳоҳишиларини билдирилар ва мамлакатда 1981 йилдан бери Президент бўлган Хусни Муборакнинг истеъфосини талаб қилдилар. Халқ қўзғалонлари ўн йиллар давомида темир мушт билан ҳукмронлик қилган мустаҳкам диктатуранларни ағдариб ташлади.” Халойик тизимни қулашини ҳоҳлайди” чақириqlари бутун дунёдаги миллионлаб кишиларнинг ҳиссиётларини уйғотди.

“Араб баҳори”нинг қутилмаган воқеаларидан бири – ўша йилнинг 11 февралида Миср Президенти Хусни Муборакнинг истеъфоси бўлди. 2018 йил октябрь ойида Истамбулда ўлдирилишидан олти ой олдин саудиялик ёзувчи ва диссидент Жамол Қошиқжи араб инқилоблари араблар ва демократия ўртасидаги номувофиқлик хақидаги қарашга нуқта қўйганини айтган эди. У ўзи қатнашган анжумандаги чиқишида шундай фикрларни билдирган эди: ”Ислом ва демократия ўртасидаги муносабатлар хақидаги баҳс охир-оқибат “араб баҳори”нинг бошланиши билан тугади”.

Кейинги жараёнлар Бен Али ва Хусни Муборак билан бир қаторда, Ливияда Муаммар Каддафини, Яманда Али Абдуллоҳ Солихни ва иккинчи тўлқин Суданда Умар Баширни тахтдан ағдарди. Бу хукмдорларнинг умумий тахтда бўлиши 146 йилни ташкил этарди. Сурияда эса Президент Башар Асадга навбат етиб ҳам келмади. У кучли бўронга чидаш берди ва ағдарилмаган ягона “домино”га айланди. Унинг мамлакатидаги намойишлар урушга айланиб кетди. Башир Асад президентлигини сақлаб қолди. 2011 йил март ойида Сурияда биринчи оммавий норозилик намойишлари бошланганидан бир неча хафта ўтгач, намойишчилар маҳаллий лаҳжада мамлакат жанубидаги Дараа шаҳридаги деворга шундай сўзларни ёзгандилар: “Сизнинг навбатингиз, доктор”. Аммо бу сўзларни ёзишга журъат этган болалар ҳибсга олинади ва шафқатсизларча қийноқларга солинади. Бу эса уларни озод қилишни талаб қилган ғазабли норозилик тўлқинини қўзғотади ва бутун мамлакат бўйлаб қўзғалон бошланади. Аммо у шафқатсизларча бостирилади, лекин у давомли можарога айланади ва ҳозирги кунимизгacha давом этиб келмоқда.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, “араб баҳори” эски куч тузимларининг ағдарилиши ва сиёсий-исломий харакатларнинг ижтимоий ва сиёсий ҳаётнинг сиёсий майдонига кўтарилиши билан тавсифланади. Тунис, Миср, Ливия, Сурия ва “араб баҳори” дан таъсиранган бошқа мамлакатлардаги низолар натижасини сарҳисоб қилиб, асосий фарқларга кўра бир нечта гурухларга ажратиб қўрсатиш мумкин:

Тунис ва Мисрда содир бўлган ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар асосан ички омиллар таъсири остида амалга оширилган.

Ливияда мамлакатдаги низога ташқи кучларнинг ҳарбий аралашуви нафақат хукмрон тузумни, балки бутун бир давлатнинг ҳақиқий қулашига олиб келди.

Яманда ички қарама-қаршилик ва ташқи босим натижасида хукмрон элитада кучлар мувозанатининг жиддий ўзгариши юз беради ва бу ўткир ички муаммоларни хал этолмади.

Сурияда ички вазиятни бекарорлаштирувчи асосий омил, асосан, ташқи кучлар томонидан шаклланган радикал муҳолифат ташқаридан, хорижий кучлар томонидан қўллаб-куватланди .

Баҳрайн вариантини ҳам таъкидлаш жоиз. Бу ерда норозиликлар хорижий ҳарбий аралашув ёрдамида шафқатсизларча бостирилди. Баҳрайн ҳолатида хорижий ҳарбий кучлар, Ливия ва Суриядан фарқли ўлароқ, хукмрон режим тарафида бўлган эди [3:62].

Шунингдек, ҳозирги вақтда содир бўлган воқеаларнинг ягона талқини йўқ. Уларни изоҳи сифатида “домино принципи”ни харакатга келтирган билимли ёшларнинг ўз-ўзидан содир этган қўзгалони концепциясини кўрсатиш мумкин.

Сиёсий таҳлилчиларнинг фикрича, Яқин Шарқ ва Шимолий Африка минтақаси мамлакатларида фуқароларнинг турмуш даражаси анча паст бўлган, улардаги жамият тузуми бузилган ва жамият тузумида жиддий ижтимоий тафовутлар мавжуд бўлган, сиёсий хокимиятнинг авторитар табииати демократик ўзгаришларга тўскинлик қилган ёки улар секинлик билан амалга оширилганлиги ҳамда мамлакатларнинг ёш, билимдон элитасининг сиёсий ва фуқаролик эркинликларини кенгайтириш истаги авторитар сиёсий тизимнинг қаршилигига учраган. Бироқ, уларнинг фикрича, минтақа мамлакатларидаги сиёсий ўзгариш ва иқтисодий вазиятни яхшилаш истаги 2011 йил воқеаларидан келиб чиқмаган. Агар тарихга эътибор билан назар ташланса, дунёда совуқ уруш тугаганидан кейинги ўтган йигирма йил ичida Шимолий Африка ва Яқин Шарқда мамлакатлар аҳолисининг оммавий чиқишилари ва талабалар норозилиги тез-тез содир бўлиб турганлиги ва ғарб матбуоти бу чиқишиларни армия ва полиция томонидан доимий равишда бостирганligини деярли эсламасликка ҳаракат қилганлигини кўриш мумкин эди.

Хақиқатда, “араб баҳори”дан олдин Тунисда ҳам Мисрда ҳам етарли даражада аҳолининг мамлакатдаги ҳаётдан норозилик чиқишилари бўлган. Жумладан, Тунисдаги 2008-2010 йиллардаги норозилик тўлқинлари қашшоқлик ва аҳолининг оддий нарсалардан маҳрум бўлиши ва Президент Бен Алини қуршаб олганларнинг коррупциялашганлиги натижаси бўлган бўлса, Мисрда ижтимоий қийинчиликлар Тунисга қараганда яққолроқ намоён бўлган эди. 1990 – 2000 йилларда Миср иқтисодиётининг мақроиқтисодий тартибга солиниши кўплаб иш ташлашлар ва норозилик намойишларига олиб келган. 2008 йилдаги Нил дарёси делтасидаги норозилик намойишлари ҳеч қандай ижобий натижаларга олиб келмади ва хукумат томонидан, харбийлар ёрдамида, шафқатсизларча бостирилди. Аммо, у ердаги 2008 ва 2011 йиллардаги норозилик чиқишилар таққосланадиган бўлса, ижтимоий норозилик намоён бўлишининг давоми эканлигини кўриш мумкин. Фарқи шундаки, 2011 йилнинг қиши ва баҳорида ижтимоий норозиликлар илгари ҳеч қачон норозилик намойишларида қатнашмаган аҳолининг турли қатламлари вакилларини бирлаштиrolган эди.

Бироқ ахборот воситалари таъсири керакли натижаларни бермагач, қарама-қаршилик қурол – яроғ воситасида ҳал этила бошланди. Сурия ва

Ливияда худди шу ҳолат рўй берди. Ливиядаги тўқнашув деярли тезликда қуролли характер касб этиб, фуқаролик урушига айланиб кетди. Суриядаги қуролли тўқнашувларда эса ёлланма аскарлар, шунингдек, экстремистик исломий гуруҳлар вакиллари, шу жумладан, ”Ал-Қоида” жангарилари фаол иштирок этдилар. Улар ва мамлакат ҳарбийлари ўртасидаги қақшатқич жанглар натижасида тинч аҳоли орасида кўплаб қурбонлар бўлди. 2011 йилги норозилик чиқишилари қуролли кучлар позицияси жиҳатдан фарқ қиласди. Тунис ва Мисрда армия тартибсизликларни бостиришда полиция бўлинмаларини қўллаб-кувватлашдан бош тортади. Айтиш мумкинки, ”араб баҳори” сиёсий чиқишилари пайтида миллий қуролли кучларнинг позицияси эски сиёсий элита ва хукumatдаги корчалонларни ағдаришда ҳал қилувчи ролни ўйнади. Бунга Тунис ва Мисрдаги воқеалар мисол бўла олади.

Демак, кўпчилик таҳлилчилар содир бўлган воқеаларнинг ўз-ўзидан, тартибсиз рўй берганлиги ва уларни глобаллашувнинг замонавий жараёнлари билан боғлиқлигига ва ”араб баҳори” нинг кутилган мевалари кутилган натижани бермаганлигини ишора қиласидилар, яъни ”араб баҳори”: 1-дан, ушбу мамлакатлардаги элиталарни тубдан ўзгартиромади, 2-дан, коррупция устидан ғалаба қозанолмади, 3-дан, мамлакатлардаги ижтимоий-иктисодий вазиятларни яхшилай олмади ва 4-дан, мазкур мамлакатларда эркинлик даражасини оширолмади.

2019 йилда америкалик ёзувчи Ноа Фелдман бу мавзудаги асарини ”Араб қиши” деб номлади, бу атама инқилобларнинг милитаризацияси, диний экстремизмнинг қучайиши, урушлар ва можароларнинг бошланиши муносабати билан баъзан у ерда ва баъзан бу ерда пайдо бўлган. Бу китоб хақида ўз фикрини берар экан таниқли академик М.Игнатиев муаллиф бизнинг давримизнинг энг муҳим воқеаларидан бири – ”араб баҳори” нинг фожиали мувоффақиятсизлигини ёритганлигини таъкидлайди [4:45].

Хақиқатда, Тунисни ҳисобга олмагандан, ҳеч қандай демократик ислоҳатлар тузумлар қулаши билан бўшлиқни тўлдирмади ва аксинча, зўравонлик овози янада кучайди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Крылов А.В., Федорченко А.В., Торин А.И. «Арабская весна»: итоги и перспективы» (круглый стол в МГИМО) // Вестник МГИМО-Университета. 2012, № 4 (25). СС. 296-299.

2. Антюхова Е.А. Политические конфликты «арабской весны»: общее и особенное. Известия Смоленского государственного университета . 2016. № 4(36)
3. Гельбарс В.Г. Геоэкономическая стратегия Китая // Азия и Африка сегодня. 2016. №1. С.15-24
4. Долгов Б.В. Феномен «Арабской весны» 2011--2016 гг.: Причины, развитие, перспективы: Тунис, Египет, Ливия, Сирия, Алжир. URSS. 2021. 200 с. ISBN 978-5-9519-2263-2.
5. Коротаев А.В., Мещерина К.В. и другие. Арабская весна и её глобальное эхо: Количественный анализ // Сравнительная политика . 2017 Т.8 № 4/
6. Mirzakhmedova, H. V., Omonov, K. S., & Khalmurzaeva, N. T. (2021). METHODS OF IMPROVING LANGUAGE SKILLS USING MEDIA SOFTWARE. *Journal of Central Asian Social Studies*, 2(03), 47-55.
7. Nasirova, S. A., Hashimova, S. A., & Rikhsieva, G. S. (2021). THE INFLUENCE OF THE POLITICAL SYSTEM OF CHINA ON THE FORMATION OF SOCIAL AND POLITICAL TERMINOLOGY. *Journal of Central Asian Social Studies*, 2(04), 10-17.